



СПОРТЧИЛАРГА МУҲИМ ЭСЛАТМАЛАР



MILANO CORTINA
2 0 2 6





Антидопинг қоидабузарликлари!

- Тақиқланган моддадан фойдаланиш ёки фойдаланишга уриниш.



- Тақиқланган моддага эгалик қилиш
- Тест жараёнига аралашуш, халақит бериш



- Тест топширишдан бош тортиш, қочиш

- АДАМСга маълумотни хато киритиш ёки ўз вақтида киритмаслик, 1 соатлик тест олиш вақтида ўз жойида бўлмаслик.



- Тақиқланган моддани тарқатиш ёки тарқатишга уриниш



- Кимгадир тавсия қилиш ёки тавсия қилишга уриниш
- Тақиқланган моддани сотиш ёки сотишга уриниш



- Санкция муддатида бўлганлар билан ҳамкорлик қилиш
- Допинг ҳақида хабар қилган шахсни кўрқитиш ёки ҳақорат қилиш



Дориларни текшириш

dori-uznada.uz орқали Ўзбекистонда рўйхатдан ўтган дориларни текширишингиз мумкин.

Global.DRO орқали хорижда сотиб олинган дори воситаларини текширишингиз мумкин.

Ҳар доим шифокор ёки фармацевт билан дори воситалари таркибида тақиқланган модда бор ёки йўқлигини текширинг.

Терапевтик истисно рухсатномаси (ТИ)ни олинг (агар зарурат бўлса ҳамда мусобақа боўланишидан 30 кун олдин ариза топшинг).

Биологик фаол қўшимчалардан эҳтиёт бўлинг.

Кўпчилик биологик қўшимчалар ифлосланган бўлиши мумкин.

Фақат тасдиқланган, лабораторияда синовдан ўтган маҳсулотлардан фойдаланинг.

Дори воситаларини асл кадоқда мутахасис олиб бориши мумкин.


ТИ нусхасини ўзингиз билан олиб юринг.

Бегона шахслар таклиф қилган озиқ-овқат ёки дориларни қабул қилманг.



MILANO CORTINA

2026



Тест топшириш жараёнидаги эътибор қаратилиши керак бўлган маълумотлар.




Огоҳлантиришга келган допинг офицерни рухсатномасини сўрашлик.

Тест топширишда, тест олиш анжомларининг (стакан, флакон) ва бошқа ускуналарнинг очилмаганлиги ҳамда яроқлилигини текшириши лозим.



Допинг станциясида очиқ қолдирилган сувни ичмаслик, шубхали озиқани истеъмол қилмаслик, тест топширишдан олдин совунсиз қўлни ўзини ювиш лозим.

Тест топширишда барча вазифани ўзингиз бажаришингиз ва бўлаётган жараённи диққат билан кузатишлари лозим.



Тест намунасини топшириб бўлганингиздан сўнг допинг контрол формасида келтирилган маълумотларнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилинг.



Тест топшириш жараёнида бирор бир муаммо бўлса допинг офицерининг менежерига еки УЗМАДАга мурожаат қилишингиз мумкин.



АДАМС



Спортчи АДАМС тизимида ўзининг қаерда эканлиги тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиши ва бу маълумотларни янгилаб туриши керак, яъни:

- **Алоқа (телефон, электрон почта) маълумотлари;**
- **яшаш манзили;**
- **машғулотлар жойи ва вақти**
- **бўлажак мусобақа ҳақида маълумот;**
- **ҳар бир кун учун долзарб жойлашув маълумоти;**
- **ҳар куни допинг тест учун бир соатлик оралик вақти (RTP).**

Қўшимча маълумотлар (Спортчи ўз агенти ёки бошқа вакили жойлашув маълумотларини Спортчи учун тақдим этишини танлаши мумкин, аммо бу маълумотлар учун Спортчи ҳали ҳам жавобгар эканлигини ёдда тутиши лозим.)



*Мусобақадан аввал Халқаро Олимпия қўмитасининг
расмий сайтида кўрсатилган алоҳида қоидалар
билан танишиб чиқинг!*

*Қишки олимпия ва паралимпия шаҳарчасининг ҳам
ўз одоб ва қоидалари сўзсиз риоя қилинг!*

**Ишонамизки бу эслатмалар сиз учун фойдадан
холи бўлмайди!**

**Ўзбекистон Миллий антидопинг агентлиги сизга
ёрдам беришга ҳамиша тайёр!**

ОМАД ЁР БЎЛСИН!



UzNADA 